

## ХОРАЗМ ВОҲАСИ АҲОЛИСИНИНГ ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТИ

Эгамберганова Матлуба Жобборгоновна

Урганч инновацион университети “Ижтимоий гуманитар  
фенлар ва педагогика” факултети доценти в.б., PhD

### Аннотация:

Ушбу мақолада “экологик маданият” ва “экологик таълим” тушунчаларининг шаклланиши, шунингдек, Хоразм воҳаси аҳолисининг экологик вазияти ҳусусида маълумотлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** экологик маданият, экологик таълим, Стокгольм, Карсон, Оролбўйи, экологик вазият.

### Аннотация:

В данной статье представлены сведения о формировании понятий «экологическая культура» и «экологическое образование», а также об экологической ситуации населения Хорезмского оазиса.

**Ключевые слова:** экологическая культура, экологическое образование, Стокгольм, Карсон, архипелаг, экологическая ситуация.

### Abstract:

This article provides information on the formation of the concepts of "ecological culture" and "ecological education", as well as the ecological situation of the Khorezm oasis population.

**Key words:** ecological culture, ecological education, Stockholm, Carson, Archipelago, ecological situation.

Дунёда экологик вазиятни яҳшилаш бугуннинг асосий шартларидан бирига айланиб бормоқда, бу масала нафақат бугунги инсониятнинг, балки келажак авлоднинг соғлигини яҳшилаш учун йўналтирилиши лозим. Экологик маданият Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиш сари ўтишининг асосий воситаси бўлиб, фуқароларнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётда фаол иштирок этиши учун зарур бўлган билим, қўникма, малака ва қадриятларни шакллантиришни кафолатлайди. 1972-йилда Стокгольмда бўлиб ўтган БМТнинг атроф-муҳит бўйича конференциясидан сўнг ЮНЕСКО жаҳон илмий-педагогик ҳамжамиятини экологик таълим ва маърифатни ривожлантиришга йўналтира бошлади. Экологик маданиятнинг таърифи ушбу мавзу бўйича 1970-йилда Карсон шаҳрида (АҚШ, Невада) бўлган биринчи конференция билан боғлиқ. Унда қўйидаги таҳрирда келишиб олинди: “Экологик маданият – бу инсоннинг атроф-муҳит

қадр-қимматини англаши ва унинг маданияти, биофизик муҳити ўртасидаги ўзаро боғлиқликни тушуниш, тан олиш учун зарур бўлган билим ва кўниқмаларни эгаллаш учун зарур бўлган асосий қоидаларни тушунтириш”[1].

Ўзбекистонда “1999-2005-йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ҳаракатлар дастури” ишлаб чиқилди ва Вазирлар Маҳкамасининг 1999-йил 20-октабрдаги 469-сонли қарори билан қабул қилинди[2]. Уни ривожлантиришда узлуксиз экологик таълим тизимини ривожлантириш нуқтаи назаридан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, табиатни

муҳофаза қилиш давлат қўмитаси фаол иштирок этди.

XX асрнинг охирида бутун дунёда ахолининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича турли тадбирларда иштирок этиш ҳаракати кучайди, атроф-муҳитни муҳофаза қилишда жамоатчилик иштирокининг самарали йўллари ва усулларини аниқлаш, илмий нашрлар ва улар сонини аниқлаш мақсадида илмий тадқиқотлар олиб борилди, дунёning турли мамлакатларида тўпланган салоҳиятдан самарали фойдаланиш ғоясини тарғиб қилиш, БМТ ва халқаро ташкилотлар томонидан қўллаб-қувватланган “Барқарор ривожланиш учун таълим” шиори остида ўн йилликнинг эълон қилиниши жаҳон ҳамжамиятининг табиатни муҳофаза қилишга интилишининг ёрқин далили бўлди [3].

Таълим муассасаларида олиб борилаётган таълим жараёнида ёш авлодга экологик таълим ва тарбия бериш муаммоси ҳар томонлама ўрганилаётганига қарамай, ҳали ўрганилмаган қатор муаммолар мавжуд. Ўзбекистонда, хусусан, Хоразм вилоятида экологик таълим шаклланишининг дастлабки босқичларида инсониятнинг умумбашарий экологик маданиятини, тўпланган ижобий экологик анъаналарни асраб-авайлаш имконини берувчи

маданий-тариҳий шарт-шароитлар муҳим шартлардан бири бўлиб, улар республика олий ўкув юртлари эколог олимлари ва ўқитувчиларининг изланишларида ўз ифодасини топган. Оролбўйида вужудга келган экологик вазият нафақат аҳоли саломатлигига, балки республиканинг иқтисодий аҳволига ҳам таъсир кўрсатмоқда, шунинг учун экологик хавфсизлик давлатларнинг стратегик вазифаларидан бири бўлиб, аҳоли учун нормал турмуш шароитларини, барқарор фаровонлик шароитларини ва ресурс базасини таъминлаш каби тушунчалардир.

Шунинг учун ҳам биз бу ҳудуднинг минтақавийлигини, бутун Марказий Осиё минтақасининг экологик муаммоларини, экологик таълим ва маърифат муаммоларини ҳам бирлаштира оламиз. Экологик вазиятнинг умумий ёмонлашувининг сабабларидан бири аҳолининг, шу жумладан, бошқарув тузилмалари мутахассислари, табиий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган иқтисодиётнинг турли тармоқлари ишлаб чиқариш соҳаси ходимлари экологик билимининг етарли эмаслиги ёки пастлиги хисобланади. Бошқарув қарорларини қабул қилиш босқичида экологик муаммоларнинг

олдини олиш керак, акс ҳолда жамият муаммонинг сабабларни аниқлай олмайди ва уларнинг пайдо бўлиши оқибатларини бартараф эта олмайди.

Бугунги кунда воҳа аҳолиси экологик маданиятини янада ошириш мақсадида бир қанча чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

**Foydalanimanadabiyotlar ro‘yxati:**

1. <http://www.unepcom.ru/development.html>. 21.06. 2024
2. <https://www.lex.uz/uz/docs/918487>
3. Басов, В.М. Проблемы экологического образования и воспитания: метод, рекомендации к семин. и лаб. работам / В. М. Басов; Удмурт, гос. ун-т. — Ижевск: УДГУ, 2001. — 50 с.